

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORIРЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi к. 77А

г.Навои ул.Халклар Дуслиги 77А

“18” Январь 2017 у.(г).

№ Қ-17

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий камоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги 2017 йил 9 январдаги ЎРҚ-420-сонли Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий камоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий камоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги 2017 йил 9 январдаги ЎРҚ-420-сонли Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (Ташпўлатов):

маъмурий камоққа олинган шахсларга нисбатан қонунийлик, инсонпарварлик, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш принципларига ҳамда маъмурий камоқни ўташ тартиби бўйича қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиниши юзасидан зарур чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий камоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва қонун талабларига амал қилинишини таъминлаш юзасидан ҳудудий ички ишлар органлари ҳамда махсус қабулхона ходимлари ўртасида кенг қамровли тарғибот тадбирларини олиб борсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



К.Турсунов